Моя профессиональная карьера

INTERNATIONAL STANDARD SERIAL NUMBER
ISSN 2782-4365
Проверить номер:

Научно-образовательный электронный журнал

# ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

Выпуск №61-1 (том 1)
(апрель, 2025)

Google Scholar
Проверить индексацию статьи. Сайт: mpcareer.ru/google

Свидетельство о регистрации СМИ №ЭЛ ФС 77-77927 от 19.02.2020 г.

РОСКОМНАДЗОР

Периодичность выпуска: 1 раз в неделю
Сайт: mpcareer.ru/oinv21veke. Почта: obrmpcareer@mail.ru

Международный научно-образовательный
электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

ISSN 2782-4365
УДК 37
ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №61-1 (том 1) (апрель, 2025). Дата выхода в свет: 07.04.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»
© Коллектив авторов

# РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

| | |
|---|---|
| Абдурасулов Абдуллажон Абдукаримович | доктор философии педагогических наук |
| Азамов Жасурбек Муродович | доктор философии в области юриспруденции |
| Артикова Мухайохон Ботиралиевна | доктор педагогических наук, доцент |
| Ахмедов Ботиржон Равшанович | доктор философии в филолог. науках (PhD), доцент |
| Батурин Сергей Петрович | кандидат исторических наук, доцент |
| Бекжанова Айнура Мархабаевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |
| Бекжанова Гулнара Маркабаевна | кандидат медицинских наук, преподаватель |
| Боброва Людмила Владимировна | кандидат технических наук, доцент |
| Богданова Татьяна Владимировна | кандидат филологических наук, доцент |
| Ботиров Аминжон Розимбоевич | кандидат биологических наук, доцент |
| Демьянова Людмила Михайловна | кандидат медицинских наук, доцент |
| Еремеева Людмила Эмировна | кандидат технических наук, доцент |
| Жуманова Фатима Ураловна | кандидат педагогических наук, доцент |
| Засядько Константин Иванович | доктор медицинских наук, профессор |
| Исломова Саидахон Тургуновна | доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент |
| Кабулова Мехрибан Толыбаевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD) |
| Казакова Раъно Машрабаевна | доктор философии по филологическим наукам (PhD) |
| Кодиров Хасанбой Орибжонович | доктор философии педагогических наук |
| Колесников Олег Михайлович | кандидат физико-математических наук, доцент |
| Коробейникова Екатерина Викторовна | кандидат экономических наук, доцент |
| Ланцева Татьяна Георгиевна | кандидат экономических наук, доцент |
| Мухамедова Лола Джураевна | доктор философии по филологическим наукам (PhD) |
| Нарзикулова Фируза Ботировна | доктор психологических наук |
| Нобель Артем Робертович | кандидат юридических наук, доцент |
| Ноздрина Наталья Александровна | кандидат педагогических наук, доцент |
| Нуржанов Сабит Узакбаевич | доктор историч. наук (dsc), старший научный сотрудник |
| Олтаев Шавкат Собирович | кандидат экономических наук, доцент |
| Павлов Евгений Владимирович | кандидат исторических наук, доцент |
| Петрова Юлия Валентиновна | кандидат биологических наук, доцент |
| Попов Сергей Викторович | доктор юридических наук, профессор |
| Расулходжаева Мадина Ахмаджоновна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |

| | |
|---|---|
| Рахматова Фотима Ганиевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |
| Рахмонов Азизхон Боситхонови | доктор педагогических наук, доцент |
| Таспанова Айзада Кенжебаевна | доктор философии (PhD) по экономическим наукам |
| Таспанова Жыгагул Кенжебаевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |
| Табашникова Ольга Львовна | кандидат экономических наук, доцент |
| Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи | кандидат педагогических наук, доцент |
| Тюрин Александр Николаевич | кандидат географических наук, доцент |
| Уразова Лариса Карамовна | кандидат исторических наук, доцент |
| Усубалиева Айнура Абдыжапаровна | кандидат социологических наук, доцент |
| Утегенова Жамила Джолмурзаевна | доктор философии по эконом. наукам, доцент |
| Фаттахова Ольга Михайловна | кандидат технических наук, доцент |
| Ширинов Отабек Тувалович | доктор психологических наук (PhD) |
| Хамдамова Ситора Сафаровна | Доктор философии в области философских наук, доцент |
| Ханбабаев Хакимжан Икрамович | доктор педагогических наук (DSc) |
| Худайкулов Хол Джумаевич | доктор педагогических наук, профессор |
| Худойбердиева Хурият Каримбердиевна | доктор философии (PhD) в социальной философии |
| Ширинов Отабек Тувалович | доктор психологических наук (PhD) |
| Эшназаров Журакул | кандидат педагогических наук, профессор |
| Эшназарова Фарида Журакуловна | доктор философии по философии (PhD) |
| Юнусова Бахора Ахтамжоновна | кандидат филологических наук, ассистент |
| Яхяева Сожида Абдурахимовна | доктор философии (PhD) в социальной философии |

| | |
|---|---|
| Алмазова Гульшат<br>ТЕОРИЯ ИГР: МАТЕМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И ЕГО ПРИЛОЖЕНИЯ | 274 |
| Ходжиев Руслан<br>ВЛИЯНИЕ ФИЗИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ НА ОРГАНИЗМ ЧЕЛОВЕКА | 280 |
| Олтаев Ш.С.<br>МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ | 284 |
| Олтаев Ш.С.<br>ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ | 289 |
| Олтаев Ш.С.<br>ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАР ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ | 295 |
| Олтаев Ш.С.<br>МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ | 301 |
| Олтаев Ш.С.<br>АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА | 306 |
| Федине Оксана<br>НАУКА - УСПЕХ ПРОГРЕССА | 311 |
| Атаев Керим, Баджыков Эмин, Бегенджов Кервен<br>ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА НА КОММЕРЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЯХ | 315 |
| Гурбанов С., Бегназаров Ибрагим, Бердымурадов Мердан<br>ЭЛЕКТРОННЫЕ ДЕНЬГИ КАК ИНСТРУМЕНТ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ | 319 |
| Кушлыев Сохбет, Джумагулиева Джерен, Элясова Акпамык<br>ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПЕРЕРАБОТКИ ОТХОДОВ ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ | 323 |
| Гурбанов Ибрагим, Шихиева Огултувак, Муратджанов Максат<br>БЕРЕЖНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИРОДНЫХ ИСТОЧНИКОВ ВОДЫ | 328 |
| Эркаева Айман, Атагельдиева Айна, Аширова Огулджан, Ходжабаев Арзув<br>УКРАШЕННЫЙ ЧИБИС | 333 |

4. Oltayev Sh.S. Statistical Analysis of the Regional Development of Small Business and Private Entrepreneurship Activity (In the Case of Samarkand Region). Academic Journal of Digital Economics and Stability. 2022, 1 (24), 1-6

5. Олтаев Ш.С. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни. Интернаука, 2020, 57-58

6. Холикулов А.Н., Олтаев Ш.С., Рахимов А.А. Проблемы развития антимонопольного управления в контексте развития национальной экономики. Лучшая исследовательская работа 2021, 55-59

7. Oltayev Sh.S. The service sector as the enhancing in raising the standard of living of the population. Вопросы управления и экономики: современное состояние актуальных проблем … 2020.

8. Oltaev Sh.S. Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2024, 2 (3), 273-280

9. Oltaev Sh.S. The Role Of The State In The Innovative Development Of Tourism. The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021, 3 (10), 17-20

10. Олтаев Ш.С. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини оширишда давлатнинг роли. Интернаука, 2021, 50-53

11. Олтаев Ш.С. Ишчи кучи миграцияси тушунчасига берилган таърифларнинг таснифланиши. Scientific progress. 2021, 2 (4), 857-861

**ФИО автора(-ов):** *Олтаев Ш.С.* – СамИСИ доценти, и.ф.н.

**Название публикации:** «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ»

Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига эътибор қаратсак, аксарият мамлакатларда реал секторга нисбатан молиявий секторнинг роли катта эканлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам фонд бозорини ривожлантириш ва акциядорлик жамиятларини молиялаштиришда қимматли қоғозлардан фойдаланиш мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришдаги муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Шу боисдан Муҳтарам Президентимиз томонидан “2020-2025-йилларда молия бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва эркин муомаладаги жами қимматли қоғозларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатини 2025-йил охирига қадар камида 10-15 фоизга етказиш кун тартибидаги асосий масала эканлиги таъкидланди”.[1]

Мамлакатларнинг мавжуд соҳа ва тармоқларидаги иқтисодий ҳолатни таҳлил қилиш орқали айрим тармоқларда пул маблағлари етишмай турган бир пайтда, баъзи тармоқларнинг кўп миқдорда пуллари вақтинча бўш турганини гувоҳи бўлиш мумкин. Бир тармоқнинг маблағи маълум вақт мобайнида ортиқчалик қилиши ёки етишмай қолиши, навбатма-навбат алмашиб келишини ҳисобга олган ҳолда, маблағи етадиган ва шу маблағга етишмовчилиги бор бўлган тармоқларни бир-бирлари билан учраштирадиган соҳа бу молия бозори, яъни фонд биржасидир. Дунёнинг кўплаб, энг замонавий давлатларнинг бозор иқтисодиётида фонд биржалари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, фонд биржалари бозор иқтисодиётининг энг муҳим институти сифатида қаралиб, тегишли молия институтларининг фаолиятини миллий иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб вазифаларни ўз ичига олади. Фонд бозори жисмоний ёки қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга имкон берадиган механизм тўпламидир. Фонд

биржаси - қимматли қоғозлар савдосига мўлжалланган уюшган бозор. Бу қимматли қоғозлар харидори ҳамда сотувчиси учрашадиган жой.

Халқаро тажрибага кўра, қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётининг турли тармоқлари учун зарур инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим манбаи бўлиб, банк кредити орқали молиялаштиришнинг муқобили саналади. Шу боис ҳам ҳар қандай давлат иқтисодий тизимининг ҳолати фонд бозоридаги фаолликда намоён бўлади. Мазкур бозорда юридик ёки жисмоний шахслар ўз маблағини келгусида фойда олиш мақсадида акция ҳамда бошқа қимматли қоғозларга йўналтиради. Қимматли қоғозлардан фойда олиш дивиденд ёки фоиз кўринишида ёхуд уларни иккиламчи равишда юқорироқ баҳога сотиш эвазига амалга оширилади. Молиявий фонд биржалари бир нечта субъектларнинг иштирокида ишлайди:

Эмитентлар. Фонд бозорида иштирок этувчи субъектларнинг бундай тури юридик шахс, давлат органлари ёки маҳаллий ҳокимят органи бўлиши мумкин.

Инвесторлар. Ушбу субъект турига жисмоний ва юридик шахслар - компаниялар, корхоналар, давлат идоралари кириши мумкин. Юқорида қайд этилган шахслар ўз капиталларидан кейинчалик фойда олиш мақсадида қимматли қоғозларни сотиб олиш учун фойдаланадилар.

Профессионал аъзолар. Улар фонд бозорида иштирок этувчи учинчи шахслардир. Уларга асосан трейдерлар, брокерлар, дилерлар киради. Бир сўз билан айтганда улар воситачилар бўлиб, томонлардан бирининг вакили. Бу гуруҳ вакиллари муваффақиятли битимнинг фоизларини олишади, шунинг учун бундай савдо шартномаларини бажаришда имкон қадар иштирок этиш уларнинг манфаатларига мос келади.

Ўтган бир неча йил давомида мамлакатамизда ҳам биржалар фаолиятини такомиллаштириш, жумладан фонд бозорини ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, фонд биржасини ривожлантириш орқали бозор иқтисодиётининг тараққиётига эришиш мақсадида тузилган дастурлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида амалга ошириб

келинмоқда [2]. Айни пайтда мамлкатимиз, хусусий корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан фаолияти тартибга солиниб турувчи биржалар сони 3 тадан иборат. Улар Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси, Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси, “Тошкент” Республика фонд биржаси. “Тошкент” Республика фонд биржаси мамлакатимиз молия тизимини тез ривожлантираётган тузилмадир ва у сармоя бозорининг фонд улиши ўзгаришига катта таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, мутахассисларнинг қайд қилишларича, фонд бозорига аҳолини кенг жалб қилиш ҳамон долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шу боис, қимматли қоғозларга сармоя киритишнинг афзалликларини кенг оммага кўпроқ ва тушунарли тарзда етказиш учун республикамизнинг барча ҳудудларида соҳа мутахассислари иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармонида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш мақсад қилиб қўйилган [3]. Иқтисодиётни ривожланишида, ҳамда унинг турли соҳалари бир маромда ишлаб туриши учун инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда, катта ҳажмда молиявий ресурсларни жамловчи ва уни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтира оладиган асосий молиявий институт - банклар бўлиб турибди, десак муболаға бўлмайди. Мана шу фаолиятни қимматли қоғозлар воситасида амалга ошириш банклар учун кўп жиҳатдан қулайдир. Таъкидлаш ўринлики, одатда фонд бозорида иштирок этувчи тижорат банклари миллий иқтисодиётимизнинг реал секторини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади [4]. Фонд бозорини ривожлантириш ёрдамида иқтисодиётда пул маблағлари ҳаракати таъминланади, шунингдек, молия ресурсларини бетўхтов шакллантириш,

улардан самарали фойдаланиш ва сармоялаш амалга оширилади. Инвестицияга айланаётган пулнинг хўжаликнинг турли соҳалари ўртасида эркин кўчиб юриши, молия ресурсларидан эркин ва оқилона фойдаланишни таъминлайди. Бу ўз навбатида мамлакат тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Ҳозирги замон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига қараб, мамлакат иқтисодиётининг “аҳволи” ҳақида фикр юритиш мумкин, чунки молия бозорига таъсир кўрсатиб, жамиятнинг иқтисодий фаолиятини бошқариш мумкин. Шунинг учун молия бозорини ривожлантириш бугунги кунда иқтисодиётимиздаги муҳим вазифалардан биридир. Шунингдек, мамлакатимиз фонд бозорини янада ривожлантириш ва барқарорлаштиришда тижорат банк инвестицияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- фонд бозорида банклар томонидан қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича солиқ механизмида бир мунча енгилликлар ва имтиёзлар жорий этилиши лозим;

- биржа савдоларида сотиладиган молиявий инструментлар сонини кўпайтириш, яъни молиявий фючерс, опцион, депозитар тилхатлар ва ипотека облигацияларини жорий этиш. Бу ҳолат қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг фаоллашувига ва фонд бозори айланмасининг ошишига олиб келади;

- Республика тижорат банкларининг қимматли қоғозларини халқаро фонд биржаларида сотишни таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш лозим [4].

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши республика банклари рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиб, уларнинг нафақат миллий фонд бозорида инвестицион фаоллиги ошишига, балки халқаро капитал бозорида ҳам фаол иштирокчига айланишига имкон беради, Ўзбекистонда инвестиция муҳитининг янада қулайроқ бўлишига олиб келади.

Бундан ташқари Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш масалаларини ўрганиш орқали қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин;

биринчидан, Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантиришда макроиқтисодий барқарорлик, корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарув, инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси, хусусий капитал оқими каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

иккинчидан, фонд бозорининг ривожланиши иқтисодий ўсиш билан ўзаро боғлиқ эканлигини таъкидлашимиз лозим. Бунда иқтисодиётнинг ривожланиши фонд бозорини ривожлантиришга ва аксинча, фонд бозорининг ривожланиши иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшишини инобатга олиш лозим;

учинчидан, Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантиришда акциядорлик жамиятлари томонидан даромадлиликни инобатга олган ҳолда акциялар ва облигацияларни самарали молиявий инструментларга айлантириш ҳамда ушбу қимматли қоғозларнинг чиқарилишини молиялаштириш шакллари сифатида фойдаланилиши зарур;

тўртинчидан, акциядорлик жамиятларининг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтириш мақсадида маҳаллий фонд бозори учун янги инструментлардан, хусусан, ислом қимматли қоғозларидан фойдаланиш зарур. Бу фонд бозорида капитал айланмасини оширишга, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилишга ёрдам беради.

## АДАБИЁТЛАР:


1. Sh.M.Mirziyoyev Fond bozorini rivojlantirish masalalariga bag'ishlangan yig'ilish bayonoti. 2019-yil 7-oktyabr. http://xs.uz/post/fond-bozorini-rivojlantirish-masalalari-muhokama-qilindi.
2. Sh.M.Mirziyoyev.“Kapital bozorini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi farmoni.13.04.2021 PF-6207.
3. Sh.M.Mirziyoyev. ”2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi farmoni.28.01.2022 PF-60.
4. X.Sh.Tillayev. Tijorat banklarining qimmatli qog'ozlar bozoridagi investitsiyalar faoliyatini takomillashtirish.2018. www.wc.tseu.uz